

XIX аср иккинчи ярмида Туронзаминнинг Россия томонидан нисбатан осонгина босиб олиниши сабаблари хусусида гап борганда, кўп холларда, ўлкадаги Кўкон, Хива хонликлари Бухоро амирлиги хукмфармолари ўзаро ахил бўлмагани масаласи таъкидланади. Бу фикр муайян даражада тўғри. Негаки, Россия боскинидан олдинги даврларда ҳам бу уч хонлик орасида турли низолар чикиб, улар бир-бирларининг ерларига хужум қилган, аҳолини талон-торож этган. Бирок Россия императорлари Марказий Осиёни босиб олиш фикрини катъийлаштирганларидан кейин муттасил равишда хонликларни бир-бирига гиж-гижлаш, улар орасида ўтиб бўлмас чоҳ пайдо қилиш мақсадини амалга оширишга интилдилар. Архив материаллари ҳам буни тасдиқлайди.

Гапни олис даврлардан бошламай, XIX асрнинг биринчи ва иккинчи чорагида юз берган воқеаларга назар ташлай қолайлик. Россия хукмрон доиралари савдогар, сайёҳ никобида кетма-кет жосуслар йўллаб, хонликлардаги хақиқий ахволдан пухта хабардор бўлгач, уларнинг боскинчилик режаларида алдам-калдам “дипломатия” тобора кўпроқ ўрин эгаллай бошлайди. Жумладан, улар, бир томондан, Россияга юборилган Кўкон, Бухоро ва Хива элчиларидан ўз ёвуз мақсадларини яшириб, хонликларга яқин худудларда харбий истехкомлар қуриш, дарё портларини келажакдаги хужумлари учун мувофиқлаштириш каби номатлуб ишларини гўё хонликлар манфаатини кўзлаб қилинаётгандек кўрсатмоқчи бўладилар. Иккинчи томондан, Туронзаминга боскин онлари яқинлашгани сари уч хон орасидаги низони атайлаб қучайтиришга қаратилган манфур дипломатияни император ва унинг энг яқин аъёнлари иштирокида амалга оширишга эришадилар.

Бу сиёсий найранглардан бири 1842 йил бахорида Кўкон хонлиги амир Насрулло томонидан босиб олиниб, талон-торож қилиниб, оммавий катл ўтказилиб, бу ҳам етмагандек, бутун хонлик худуди Бухоро амирлигининг таркибий қисми, дея расман эълон этилишидан кейин Россия императори Николай Биринчи томонидан амирга йўлланган мактуб эди. Икки хонлик ўртасидаги бу адолатсиз урушнинг бош сабабчиси амир Насрулло эканлигини яхши билган император амирнинг Кўкондаги галабасидан мамнун эканини билдирган ва унга гўё илтифот кўрсатаётгандек бундай деб ёзганди: “Кўкондаги тахт учун қурашларни бартараф қилиш зарур. Шундан кейин Туркистон ва Тошкент билан Сирдарё бўйига, Жиззахдан бошлаб Ўратепа, Хўжанд, Кўкон, Маргилон ва Қошғар чегарасига бўлган ерлар сиз хазрати олийларининг қўлларида бўлиб, хукмронлик қилишингизни истаймиз”.

Вахоланки, бу мактубдан атиги уч ой чамаси аввал, 1842 йилнинг 25 феврилида хонлик элчиси Мухаммад Халил Соhibзода орқали Мухаммад Алихонга йўллаган мактубида айни шу Николай биринчининг ўзи: “Сизнинг қудратли Россия давлати билан мунтазам равишда дўстона алоқаларда бўлиш истагингизни билиш биз учун гоят ёқимли бўлди. Сизнинг бу яхши ниятларингизни ўз томонимиздан қамоли эҳтиром ила қабул этамиз. Ишонамизки, сизнинг ўзаро дўстона қўшничилик алоқаларини йўлга қўйиш ҳақидаги самимий гамхўрлигингиз келгусида муваффақиятли натижаларга олиб келади. Сизга барча эзгуликларни тилаб қоламиз” (Ўзбекистон Марказий Давлат архиви, 715-жамгарма, 1-қайд, 4-иш, 16-саҳифа), деб ёзган эди.

Ана субутсизлигу, ана сурбетлик! Россиядек оламга танилган, қудратли давлатнинг императори уч ойгина аввал дунёнинг барча яхшиликларини тилаб қолган Кўкон

хонлигига энди хеч бир инсоф-адолатга тўгри келмайдиган ёмонликларни раво кўриб ўтирса-я! Николай Биринчи Кўкон хонлигининг барча худудлари амир Насрулло тасарруфида бўлишини айтиб, гўё унга катта илтифот кўрсатгандек таассурот колдиради. Лекин орадан бирмунча вақт ўтиб, худди шу худудлар Россия аскарларининг оёғи остида топталди: Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги императорликнинг вассалига айлантирилишидан ташқари, Кўкон хонлигининг номи жахон харитасидан бутунлай ўчирилди.

Амир Насрулло томонидан 1842 йили Кўкон хонлигида амалга оширилган хунрезликни мутлако оклаб бўлмайди. Нега? Шунинг учунки, ўша вақтдаги Кўкон хукмдори ўз юртининг амирлик томонидан шафкатсизларча босиб олиниши, ўзи, укаси, волидаси, хотини, фарзандлари ва бошқа яқинлари билан оломон олдида вахшийларча катл этишга арзийдиган бирор иш қилмаган эди.

Ўша даврнинг ҳақгўй муаррихлари бу хусусда бизга аниқ маълумотлар қолдиришган. Улар бу мудҳиш босқинни тузатиб бўлмас хато сифатида баҳолашган. Тарихий манбалардан маълумки, амир Насрулло ўз босқинчилик юришини оклаш учун гўё Мухаммад Алихон отаси уйланмокчи бўлган канизакни никоҳига олиб, шариятга ҳилоф иш тутди, деган даъво билан чиққан. Ўша даврнинг зукко муаррихи Исоқхон тўра Иброт “Тарихи Фаргона” асарида амир Насруллонинг бу ишига аслида нималар сабаб бўлгани хусусида қуйидагича ёзади: “Мухаммад Алихон аносини олди деган сўз рост бўлмай, бухорийлар катллари айтиб сатри учун қилган қабилаларини тавжигача чиқарилмиш сўзлари экан. Асл муддао бўлак экан. Чунончи, Умархон “оламан” деган Пошшоҳон ойимни хусусини эшитиб, гойибона мафтуни жамол бўлуб, муни анча сабаб қилиб қелган экан... Мухаммад Алихонни халқни кўзига осию гуноҳкор кўрсатиб, шариятни поймол қилди, танбех даркор, деб қелиб, қанча хонзодау мазлума ойимларни қатли бағайри ҳақ қилиб, охируламр мурод ўшал ойим экан, олуб, муддаосига етиб, Бухорога олиб кетди”.

Мирзоолим Мушрифнинг “Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавокин”ида эса, амир Насрулло босқинининг бошқа бир сабабига ургу берилади: “1252 санада (милодий 1836-1837 йил) Фаргона хони Мухаммад Алихон бирла амир Насрулло ораларида Башогир ном қалъа таъмири хусусида мунозаат (низо) бўлди... Башогир қалъаси мунозеъи ва ҳам бошқа сабаблар ила амир Насрулло Баходирхон кўшин қамлаб, Фаргона ўлкасига юруш қилиб, низомий аскарлари бирла осонлик илан Башогирга истило қилиб, андин Ўратепа ва Хўжанд шаҳарларига дохил бўлуб, андин дорулмулки Фаргона бўлуб турган Хўқанд устига қелиб, қатл айлаб Бухорога жўнади”.

Ўша давр муаррихларининг барчаси амир Насруллонинг Кўконга қилган бу босқини сабабини, аввало, Мухаммад Алихон Кўкон хонлиги сарҳадлари дахлсизлиги учун амирликка чегарадош Башогир қалъасини мустаҳкамлаганида, қолаверса, Мухаммад Алихон никоҳига олган канизак — Пошшоҳоннинг хусн-жамоли таърифини эшитган амир унга гойибона “ошиқ” бўлиб қолганида кўрадилар.

Амир Насруллонинг бу вахшийлиги ва бошқа кўпдан-кўп номатлуб ишлари борасида гап борганда, ўша давр тарихчилари халқ ундан қаттиқ норози бўлиб, амирни ўз исми билан эмас, балки “Ботир қассоб” лақаби билан атай бошлаганини қайд этади. Аксар муаррихлар фикрича, амир Насрулло аъёнлари ичида унга маслаҳат кўрсатишга, ҳақиқий аҳволни юзига айтишга журъат эта оладиган бирор киши бўлмаган. Бирок ўша даврда яратилган айрим тарихий асарларда бошқача маълумотлар ҳам учрайди: амир Насрулло қанчалар ўжар, қалтафаҳм ва жаллодтабиат бўлмасин, унинг атрофида

амирни дахшатли ишлардан кайтаришга интилан, хатто унинг юзига тик бокиб, бу ишлар қандай мудхиш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини айта олган жасорат эгалари ҳам бўлган. Масалан, Исхоқхон Ибрат “Тарихи Фаргона”да, Мулла Олим Махдум “Тарихи Туркистон”да бундай улкан жасорат, инсоф ва ақл эгаларидан иккитаси хусусида алоҳида тўхталади. Уларнинг биринчиси — саркарда Абдусамад ноиб, иккинчиси эса, шоир Жунайдулло Хозикдир. Амир Насрулло босқинига тоб беролмай, укаси Махмудхон билан бирга қочган Муҳаммад Алихонни унинг ҳузурига тутиб келтирганларида рўй берган воқеани Ибрат қуйидагича тасвирлайди: “Амир дархол қатлга ҳукм қилганда ўз вазирларидан Абдусамад ноиб деган хушманд киши амирга “Жаноби олийларига малоли хотир бўлмаса, бир қалима сўз айтсам” деганда, амир “Нима сўздур?” деган экан. Айтибдурки, “Холо Хўканд забт ўлди, Фаргона қатта мамлакатдур, қанча аскар, сипоҳу хазина сарф ўлуб олинди, алҳолда Русияни қелмаги маҳали ҳавфдур. Агарда хонни онти ақид бериб, тавба қилдуруб, Хўкандга қўюб, Бухорога тобеъ қилинса, бир мулк бўлуб, бизларга қелган душманларга бир қалқон бўлур эрди”, деганда сўзи амирга маъқул бўлмай, оғзига қаш билан урдурган экан”. Абдусамад ноибнинг қинакам жасорат ва тенгсиз донолик намунаси бўлган бу сўзидаги икки жиҳатга алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. Аввало, Россия Окмасжидни босиб олишидан ўн бир йил илгари Абдусамад бу “маҳали ҳавф”ни яққол идрок этиб, дафъ этиш мушкул бўлган ана шу ҳавфдан амирни оғохлантиришга журъат этган. Иккинчидан эса, бу гапни оддий ноиб эмас, балки ҳарбий соҳада қатта мутахассис бўлган, ўзи инглизча таълим бериб, инглизча қуроллар билан таъминланган 200 қамаси аскар қучи билан хонликни енгишда алоҳида иш қўрсатган шахс айтмоқда. Аммо жохил ва нодон амир ўйламай-нетмай ақл-идрокда, билимдонликда, инсоф-адолатда қўпчиликка намуна бўладиган Абдусамад ноибни ҳалойик олдида қаттиқ беобрў қилади ва жазолайди. Қеччи амирнинг бу жазоси ҳали ҳамир учидан патир эди...

Амир билан Абдусамад ноиб ўртасидаги муносабатлар ана шу жазолаш воқеасидан сўнг қандай тус олгани ва ноибнинг кейинги қожеали тақдири борасида Мулла Олим Махдум ўз қитобида қенг маълумот беради:

“1250 (қилодий 1834 йил) санада Эронистон тарафида Абдусамад Табризий ном зот Бухорога қелди. Ул одам доно ва қозил ва қоятда ҳунарманд ва қазий ва сохиброй эди. Онинг саъйи ва қалолати ила Бухоро мамлақатида бўлган Эрон асирларини қотиб олиб ва бошқа ваҳллар илан олиб, икки юзга яқин қамлаб, инглиз тартибида қиломлик аскар тартиб қилиб ва бошқа уруш асқобларини ҳозирлаб, отларга таълим бериб, адади оз бўлса ҳам, яқши мунтазам аскар аҳдос қилди... Абдусамадга ноиблик қутбаси берилиб, амир Насрулло наздида қамбул, қоятда эътиборлик бўлди. Бир неча қамонлардан кейин ҳассод ва душманлари қўпайиб, ҳар қил қамрух тақбирлик сўзлар илан амир Насруллони онинг хусусидаги ихлос ва муҳаббатини қайтариб (ноибнинг асосий айби Қўқонда амирга қаслаҳат қўрсатишга журъат этгани эканлигидан муаллифнинг ҳабари йўқ қамаси — Ш.Ю.), оқир тўпқона қарқатини бир нодон, жохил саркардага топшуруб, Абдусамадни онинг қарқонига қўйди. Абдусамад бу ишдин қоятда ору номус қилиб, ниҳоятда қўнгли қанжиб, ораларида қудурат қайдо бўлуб, амирнинг ямон ниқатидин ҳавфу талошга тушуб, Бухородан қочмоқ қикри илан Шаҳрисабз ҳоқими илан аҳду қаймон қилиб, амир Насруллонинг Шаҳрисабз урушида Абдусамад ўз табааси ва тўплари ила амирдин қўб илгари қетганликдин амир ваҳима қилиб, тўхтамоққа амр бериб, қиши юборса ҳам қулок солмай қетиб тургонда, амир қетидин аскар юборуб, Шаҳрисабзга яқин қелганда муҳораба қилиб, олиб қайтиб, они

зиндонга солиб, охири муни хам катл килди”.

Амирга бир мартагина тўгри маслахат беришга журъат этган, амирлик учун сув ва хаводек зарур бўлган доно ва зукко саркардани катл этиш билан амир Насрулло асло кечирилмас гунох килгани, унинг бу азим гунохи амирликка канчалар кимматга тушгани хақида кейинрок фикр юритамиз.

Бўлар-бўлмасга хадиксирайверадиган, нодон, жохил, кекчи амирнинг Кўкон юришидаги килмишлари тарих олдида унинг юзини каро килажагини башорат килган ва бу ҳақдаги фикрини амир юзига какшатгич бир байт билан айтган мислсиз жасорат сохиби Хозикнинг хаёти хам фожиали тугамаслиги мумкин эмас эди. Бу хусусда “Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавокин”да Мирзо Олим Мушриф куйидагича маълумот беради: “(Хўканддин) неча манзилу марохил тай айлаб Бухорога якин борганда... амир Баходирхон хурсандлик килиб, Мирзо Жунайдулло Махдум Хозик мулаққабим, шайхулислом Хиротийнинг ўғуллари эрди, амири Бухорога кеча-кундуз хамнишин эрдилар, зиёда густох эканлар, амир фармойиш килдиким: “Бизни бу сафардин бозафар келганимизга бир фард байт машк килиб, бир нимарса айтинг”, дедилар. Дархол бу байтни ўқудиларким, назми Хозик:

Буриди бар кади худ аз маломат,
Либосе то ба домони киёмат.

(Таржимаси: Ўз каддингга ёмонликлардан шундай бир либос бичтириб кийдингки, у устингда киёматгача қолади.)

Амирнинг жаҳли келиб, рангида катра кон колмади, то ўрдасига дохил бўлгунча сўзламади. Махдум Хозик таваҳхумга колдилар ва ўшал кеча отланиб, Шахрисабзга ўтиб кетдилар... Амири Бухоро даргазаб бўлуб, неча муддатдин бери Душабой деган бир ўгрини зиндон килиб кўюб эрди, ани чакириб бир фармойиш килдиким: “Сен агар Махдум Жунайдни ва эшон Шофеъни бошларини олиб келсанг, банддин озод киламан”, деди. У хам кабул килиб, Шахрисабзга келди...

Казоро бир кун Душабойни бир одам касал суратида олиб келиб, “Таксир, бунга дору беринг, касал бўлубдур”, деб. Шул кеча ётиб бошларини олиб, кечалаб амири Бухорога манзур килди эрса, инъом-эхсони билонихоялар сарафроз айлади”.

Хуллас, амир Насруллони кўпдан-кўп ножўя ишларининг мудхиш окибатлари борасида огохлантиришга журъат этган сарой аъёнлари оз бўлса хам учрайди. Улар ўз бошларини котил киличи остига кўйиб бўлса-да, шундай фидойилик кўрсатганлар. Аммо жохил амир ўзининг машъум гунохлари, уларнинг фожеий окибатлари хақида ўйлаб кўришни хаёлига хам келтирмаган.

Юкорида биз Абдусамад ноиб амирни мудхиш котилликдан кайтаришга журъат этгани хусусида сўз юритган эдик. Доно ноиб ўз мулоҳазасини Россия хужуми хавфи мукаррар бўлиб колгани, бу хавф ниҳоятда жиддийлиги билан изохлаб, уни бартараф этиш тадбирини хам кўрсатган эди. Бирок амирликнинг харбий куч-кудратига ҳаддан ташкари юкори баҳо берган амир, бу маслахатни назар-писанд килмаганидан ташкари, ноибни ошкора жазолаб, акли ноқислигини яна бир марта намойиш этади.

Боз устига, худди ўша кезлари император Николай Биринчи амирнинг Кўкон хонлигида килган барча ярамас ишларини маъқуллаб, хатто хонлик худудида амир хукмфармолик килишини исташини билдириб, элчи оркали расмий мактуб йўллагани амир Насруллонинг бебошлигини янада ошириб юборган ва у эндиликда Россия босқинидан

хавф-харосни йигиштириб, буткул бепарволикка, айш-ишратга берилиб кетган эди. Россия Туронзаминни босиб олишга катъий қарор қилганидан воқиф бўлган Англия ҳукумати ўз манфаатларидан келиб чиқиб, бунга йўл қўймаслик режаларини тузган эди. Бу режага кўра, Кўконда амир амалга оширган қонли воқеалардан илгарирок Ўрта Осиёдаги уч хонликка ўзининг икки зобитини — полковник Стоддарт билан капитан Коноллини юборган эди. Стоддартга Бухоро амирлигида, Коноллага эса Хива хонлигида ҳамда Кўкон хонлигида юрт ҳукмдорлари билан учрашиб, уларни Россия босқинига қарши биргаликда қурашишга тайёрлаш, бу ишда уларга инглиз ҳукуматининг амалий ёрдами қандай бўлишини тушунтириш вазифаси юкланган эди.

Машхур Исмоилбек Гаспирали “Таржумон” газетасининг 1906 йилги сонларида эълон қилинган “Тарихи жадидаи Туркистон”, Мулла Олим Махдум эса, кейинроқ, “Туркистон вилоятининг газети”да чоп этилган “Тарихи Туркистон” асарларида бу миссиянинг бош мақсади нималардан иборат бўлгани ҳусусида фикр билдирадilar.

“Стоддартнинг маслағи, — деб ёзади И.Гаспирали, — инглизлар томонидан Бухорога бирор қасд ёки зарар келтирилмаслигига жаноби амирни ишонтириб, бошқа бир давлатнинг қасд ва тажовузидан мудофаа этиш истаклари баёнидан иборат эди. Шунингдек, агар амир муносиб кўрса, Бухоро аскарини янги ва тезотар тўплар ила аслахалантирмоқ, аскарини муаллимлар бермоқ ва Русиянинг яширин ҳаракат ҳамда мақсадидан Бухоро ҳукуматини хабардор қилмоқ эди”.

Миссиянинг асосий мақсади борасида Мулла Олим Махдум китобида ҳам шунга ўхшаш фикрлар баён этилади.

Муаррихларнинг шохидлик беришларича, худди шу мақсадда Хива ҳамда Кўконга борган капитан Конолли юрт ҳукмдорлари Оллоқулихон ва Мухаммад Алихон билан музокаралар ўтказиб, Англия қироллик ҳукумати таклифларига уларни қўндиради. Аммо Бухорога навбат келганда, амирнинг тадбирсизлиги ва жохиллиги туфайли Россия босқинидан омон қолишнинг тарих берган бирдан-бир имконияти бутунлай барбод этилади, ҳар икки элчи инсоф ва адолатга зид равишда қатл этилади.

Воқеа бундай бўлган эди:

Россиянинг Туронзаминни босиб олиш режасини амалга ошириш муддати тобора яқинлашиб келаётганидан разведка маълумотлари орқали хабардор бўлган Англия ҳукумати ўз манфаатларига зид келадиган бу босқиннинг олдини олиш пайига тушади. Бу ниятини амалга ошириш учун 1838 йили дастлаб Бухорога полковник Миралай Стоддарт деган кишини махсус топширик билан юборади. Стоддартни икки марта қабул қилиб, у орқали инглиз ҳукумати ниятидан воқиф бўлган амир элчи таклифига ҳеч қандай жавоб бермайди. Орадан бир оз вақт ўтгач, элчи от устида Регистондан ўтганини эшитган хаддидан ошган амир Насрулло ўйламай-нетмай Стоддартни зиндонга ташлатади. Элчидан дом-дарак йўқлигидан ташвишга тушган инглиз ҳукумати турли каналлар орқали Стоддартнинг ахволдан хабар топиб, Россия ҳукуматидан воситачилик кўрсатишини, элчини Бухородан чиқариб, ўша вақтларда Англия ҳукмронлик қилаётган Афғонистон ҳудудига ўтказиб юборилишига эришишни сўрайди. Россия ҳукумати эса, худди ўша даврда бошқа бир юмуш билан Бухорога юборилган ўз элчиси Бутаковга икки йил чамаси зиндонда азоб берилиб, сўнг бўшатирилган, аммо Бухородан кетишига йўл бермай ушлаб турилган Стоддарт ҳусусида амир билан сўзлашиб, Англия ҳукумати илтимосини адо этишга кўмаклашиш ҳусусида кўрсатма беради. Бирок қибру хавоси оламга сизмаган амир бу вақтда Кўкон хонлигини босиб олиш учун жўнаётган бўлиб, Россия элчиси Бутаковни ҳам Регистонда от устида

кеккайиб ўтирган холида “кабул” килади. Шундай бир вазиятда Бутаковнинг Стоддарт борасидаги илтимоси амалга ошмагани ўз-ўзидан маълум.

Хуллас, Стоддарт масаласини хал этишни хохламаган амир Кўкон юришига отланади. Амир Насрулло Кўконда, тўғрироғи, Махрамдаги ўз қароргоҳида турган чоғида унинг хузурига Англия томонидан Хива ҳамда Кўкон хонликлариға худди Стоддартники сингари миссия билан юборилган капитан Конолли илгарирок Хиваға бориб, Оллокулихонни инглиз ҳукумати таклифлариға кўндирган, кейин айланма йўллар билан Кўконға келиб, Кўкон хони Мухаммад Алихонни бу таклифларға асосан унатган эди. Бирок Конолли хали Кўкондаги ишларини саранжомлаб улгурмай, амир Насрулло мўри малахдай кўшини билан хонлик худудларини эгаллаб олган ва ўзи Махрамда қарор топиб, Коноллини хузуриға чақиртирган эди. Энди Конолли олдида икки йўл турар, биринчи йўл — Кўкондан яширинча қочиб кетиш, иккинчиси эса, ўлим хавфидан кўркмай, амир Насрулло қароргоҳиға бориб, унга ўз мақсадини тушунтиришдан иборат эди. Коноллиға хайрихоҳ бўлган Кўкон аъёнлари унга хонлик худудидан хуфия равишда жўнаб кетишни маслаҳат берадилар. Бирок Конолли нима бўлса ҳам, амир Насрулло хузуриға бориб, у билан гаплашишға қарор килади. Амир билан биринчи учрашувдаёқ унинг иши чаппасидан кетади. Элчининг ниятидан воқиф бўлган амир Насрулло дарҳол уни сарбозлар кўрикчилигида Бухороға, ҳамюрти ва ҳамкасби Стоддарт ташланган зиндонға жўнатади.

Кўконда ўн кунча туриб шаҳарни қонға ботирган, юзлаб бегуноҳ эрқағу аёлни, ёшу қарини қатл этган, ҳазинани ҳам, хусусий кишилар бойликларини ҳам эгаллаб олган, уч юзга яқин гўзал аёлни чўри сифатида ўз юртиға жўнатган амир Насруллоға худди ўша кунлари Россия элчиси император Николай Биринчининг махсус табрик хатини олиб келиб топширган эди. Россия императори томонидан шиширилган, аслида эса лакиллатилган амир Насрулло Кўкон хонлигини Шералихон эгаллаб олгунча ўтган икки ярим ой чамаси вақт ичида яна ҳам пишкириб, босар-тусарини билмай қолади, зулм-истибдоди ҳар қачонгидан ошиб кетади. Худди шундай бир шароитда ҳақ-ноҳакни, яхши-ёмонни, гуноҳ-савабни ажратишға сира ҳам қодир бўлмай қолган амир Насрулло Англиядек буюқ давлат томонидан амирликка ҳаёт-мамот масаласида кўмақ бериш таклифи билан қелган икки элчи-зобитни ўз хузуриға чақиртиради.

Бу чақиртириш воқеаси қандай фожиа билан тугагани хусусида Мулла Олим Маҳдум бундай хабар беради: “Насруллохон Хўқандни тор-мор қилиб, эзиб, Бухороға қайтганда инглиз элчилариға дини исломни қабул қилмоққа таклиф қилди. Инглислар жавобида: “Хукуматимиз тарафидан Мовароуннаҳрга маъмурият ила қелдук, дин тарқ қилмоқға ёки динни қабул қилмоққа қелмадук, умид қиламиз, шунга қараб муомала қилинсун”, дебдурлар. Бу ражолариға қарши жаллодға буюруб, элчиларни бошин қесмок ила муомала қилинди. Инглисининг хайрихоҳона муомаласиға бу тариқа жавоб берилди”. Исмоилбек Гаспирали ҳам бу хусусда алоҳида изтироб билан ёзади: “Хива, Бухоро ва Хўқанд хонларини иттифок этдириб, замонавий аскар ва қурол тайёрлатиб Русия тажовузига бас қеладиған қолни қелтиришни истаған Англия ҳукуматининг элчилариға шу тариқа муомала қилинди”.

Чиндан ҳам, уч хонлиқни Россия босқиниға муносиб зарба бера оладиган даражаға кўтаришининг, юрт мустақиллигини сақлаб қолишининг тарих берган бир имқонияти қондон ҳукмдорнинг жохиллиги ва аҳмоқона сиёсати туфайли қарбод этилган эди.

Амир Насрулло шахси масаласида қишини ўйлантирадиган яна бир жиҳат бор. Бу ўринда гап Россиянинг ўша даврдаги энг йирик амалдорлари амирнинг такаббуруна ва

нодонларча сиёсатидан мамнун бўлганликлари, унинг шахсига ўта баланд баҳо берганликлари хақида бормокда. Оренбург корпуси кўмондони генерал-адъютант Безак 1861 йил 10 январда Россия харбий вазири Чернишевга йўллаган маълумотномасида амир Насрулло хақида куйидаги сўзларни ёзади:

“Ажойиб ақл эгаси, энг уддабурон ва мохир сиёсатчилардан бўлмиш Насрулло Бухорода хукмронлик килган 34 йил давомида Туркистондаги барча халклар устидан алоҳида бир жозибали кудратга эга бўлди” (РМД архиви, 715-жамгарма, 1-кайд, 23-иш, 175-саҳифа). Чор амалдорлари амир Насруллога бундай баҳо бериши окни корадан, яхшини ёмондан, савобни гуноҳдан ажрата олмаган бу нодон хукмдор юргизган сиёсат Россия хукуматининг мустамлакачилик максадларига мувофиқ келганлигидан эди, деб хисоблаш мумкин. Амирнинг бу сиёсати қандай дахшатларга олиб келиши муқаррарлигини тез орада юз берган воқеалар яққол кўрсатди.

1842 йил баҳорида Кўкон хонлигини қонга ботириб, унинг барча ҳудудларини Бухоро амирлиги мулки дея эълон қилиб, ўша давр муаррихлари таъбирича, “Иброҳим ҳаёл деган тарёкий”ни хонликка ноиб сифатида қолдирган амир Насрулло тез орада қаттиқ зарбага учрайди, Кўконда тахтни Кўкон хонлари авлодидан бўлган Шералихон эгаллаб олади. Бундан даргазаб бўлган амир Насрулло ўзининг қатта кўшини билан яна Кўкон сари йўл олади. Лекин бу сафар хонликни қайта бўйсундиришнинг иложи бўлмайди. Амир Кўкон қалъаси деворлари ёнида икки ой чамаси шаҳарни қамал қилса ҳам ўз максадига эриша олмай турган бир вазиятда Оллоқулихоннинг ўғли Раҳимқулихон бошчилигидаги кўшинлар Бухоро амирлиги ҳудудларига бостириб кириб, қалъа ва истехкомларни бирин-кетин эгаллаб олаётганлари хақида хабар келади. Амир Насрулло ўз кўшинлари билан орқага қайтиб, хиваликларга қарши урушишга мажбур бўлади. Шу муносабат билан муаррих Поён Равшанов бундай ёзади: “Амир хиваликларга қарши тирик жоннинг ҳаммасини, қарийб юз минг қора черикни жамъ қилган бўлса-да, мағлубият, минглаб одамларнинг асир қилиб олиб кетилиши уни ақлан мажруҳ этиб қўяди. Бухоро қора черигининг Хивага қарши жавоб юриши қилиб, Хазорасп ёнида буткул тор-мор қилиниши, амирнинг ўзи қочиб зўрга жон саклаши унинг кейинги ҳаётида машъум асоратлар қолдирди... Амирнинг муттасил қаҳру қазабда бўлиши, айтадиларки, Хива хони талонидан сўнг қарийб тўрт йил давом этади. Шу йиллар ичида амир Насруллонинг бирор марта қулганини, аъёнлари билан очилишиб гаплашганини ҳеч қим қўрмаган ва билмаган” (“Малика Қенағас ойим ёхуд амир Насруллонинг ўлими қиссаси”). Золимлиги, ақли ноқислиги ва бемаъни қибру ҳавоси учун амир Насруллонинг бошига тушган бало-офатлар бугина эмас. Хатто унинг ўлимига ҳам ана шу ярамас феъл-атвори ва қилмишлари сабаб бўлади. Амирнинг чексиз зулмларидан тўйиб қетган хотини Қенағасбегим халқ қасоси амалга ошувига эришади. “Насрулло Баҳодирхон 5 октябр (1860)да Самарқанддан қайтиши биланок вафот этди, — деб ёзади Оренбург корпуси кўмондони генерал Безак 1861 йилнинг 10 январидан Россия харбий вазирига йўллаган маълумотномасида. — Унинг хотини, ўз ақаси маслаҳатига қўра, Насруллонинг дорисига захар аралаштирганини чиндан ҳам бўйнига олган. Бунинг учун амир ўша захоти хар икки жинойатчини ҳамда ўз табибини ўлимга ҳукм этган”.

Маҳаллий муаррихлар асарларида эса амир Насрулло маст ҳолда ухлаб ётган чоғида Қенағасбегим исмли хотини қулогига симоб қуйиб ўлдиргани айтилади. П.Равшанов амир қулогига симоб қуйилганидан кейинги воқеаларни ўз қитобида қуйидагича баён этади: “Чалажон Қенағас ойимни икки боласи жасади билан қўшиб, Арқ елкасидаги қадимий Чилдухтарон гўрқудугига ташлаб юбордилар. Айтадиларки, бу қудук ичи пишиқ

гиштан ишлаб чиқилган бўлиб, борхо-борига тиг кадаб чиқилган экан. Чуқурлиги йигирма кулоч бўлган кудукка ташланган инсон танаси то пастга етгунча нимта-нимта бўлиб кесилиб тушаркан”.

Дунёга факат ёмонлик учун келган амир генерал Безак маълумотномасида битилганидек, ўзи ўлим талвасасида ётгани холда ҳам тавба-тазарруъ ўрнига хотини, кайногаси ва шахсий табибини ўлдиртириб, сўнгра жон бериши ёки П.Равшанов китобида ёзилганидек, Кенагасбегимни икки гўдак фарзанди билан ажал кудугига ташлатиши ҳар қандай кишини ёқа ушлатмай қўймайди. Катта ёшли муҳолифлари чеккан азоб-укубатлари учун амирдан ўч олишгани балки тўғридир. Лекин амир Насруллонинг ўз пушти камаридан бўлган икки бегуноҳ гўдак унинг фармониغا қўра ўлим кудугига ташланишига қандай тоқат қилиш мумкин.

Амир Насруллонинг барча қилмишлари унинг ўзи билан қаро ерга қўмилиб кетса қошки эди. Лекин ундай бўлмади. Бухоро хонлигини Россия асоратидан сақлаб қолиш мақсадида полковник Стоддарт ва капитан Коноллини бу ўлкага йўллаган, лекин ўз элчилари амир томонидан ҳеч бир асоссиз қатл этилганидан газабга келган Англия ҳукумати тез орада Бухоро хонлигига муносабатини кескин ўзгартиради. Бу ҳақда илгарирок номи айтилган Безакнинг 1861 йил 29 ноябрдаги қайдларида қуйидагича ёзилган: “Англия ҳукумати Бухоро хонлигини бутунлай қучсизлантиришни мўлжалламоқда. Англия Афғонистонни Ўрта Осиёнинг қудратли давлатига айланттиришни қўзда тутиб, унга Бухоро, Хива ҳамда Қўқондан баъзи вилоятларни қўшиб олмақчи.

Агар биз Тошкентда қарор топиб, Қўқон орқали Хитой Туркистони билан алоқани таъминлагуни мизгача инглизлар бунга улгуришса, улар Ўрта Осиёда тўла ҳукмрон бўлиб оладилар, Ўрта Осиёнинг савдоси ҳам Хитой Туркистони савдоси билан қайтмайдиган бўлиб улар қўлига ўтади”.

Амир Насруллонинг қилмишлари, қасофати шулар билангина тугамади. Амир вафотидан олти ойча кейинок ўша Безак Россия ҳарбий вазирига бундай деб ёзади:

“Музаффар баҳорда яна Қўқонга қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлашга тайёрланмоқдаки, шундай қилса биз учун гоёт фойдали бўларди, албатта“. Бу маълумотнома чор мустамлакачиларининг Ўрта Осиёдаги хонлиқлар орасига низо солишдан иборат ёвуз мақсадини яна бир бора қўрсатади. Амир Насрулло сиёсати эса, душманларга қўл келган эди. Бу сиёсат йиллар давомида унинг авлодларига ҳам, бутун Бухоро амирлигига ҳам катта фалокатлар келтиришда давом этди.

“Амир Насруллонинг бу хато сиёсатининг натижаси йигирма беш йилдан кейин ўгли амир Музаффархоннинг асрида ҳам давом этиб, Тошканд ва Самарканд Русия тарафига ўтгандан кейин жадал тамом бўлди”, деб ёзади Мулло Олим Маҳдум “Тарихи Туркистон”да.

Самарканд ва Тошкентдан ташқари, Хўжанд, Ўратепа, Жиззах каби йирик вилоятлар Россия томонидан босиб олинганидан чексиз хавотирга тушган амир Музаффар бу қучли душманга қарши курашишда ўз қўшилари — Қўқон ва Хива хонларидан мадад сўрашга мажбур бўлади. Бироқ амир Насруллонинг замон-замонларга етгулик ёвузликларини унута олмаган хонлар бу илтимосни рад этадилар.

Энди Музаффархоннинг бир вақтлар ёрдам беришни астойдил истаган, лекин элчилари амир Насрулло томонидан хиёнатқорона қатл этилган Англия ҳукуматидан ёрдам сўрашдан бўлак чораси қолмаган эди. Ниҳоят, амир Музаффар Буюк Британиянинг Хиндистондаги олий комиссари лорд Лоуренс хузурига ўзининг Аббосхожа исми

элчисини махсус мактуб билан жўнатади.

Амир томонидан йўлланган форс тилидаги бу илтижо-мактубда, жумладан, куйидаги сўзлар битилган эди: "...Бир гуруҳ одамлар бу ерни (Бухоро амирлиги худудларини демокчи — Ш.Ю.) ўз тасарруфига олишга киришди ва икки томон ўртасида жанг бошланди. Ислом ахли уруш махоратининг етишмаслиги туфайли боскинчиларга карши чика олмади ва натижада айрим ерларни руслар босиб олди. Такдир такозоси билан у ерлар руслар кўли остига ўтиб колди... Хозирги вақтда ислом ахли руслардан кутула олади ва халк манфаати йўлида ёрдам сўраб Сизга мурожаат этади. Хозирда хар бир харакат кулай вазиятга боглик. Сиз бизнинг истакларимизни кабул этиш билан халкимизнинг манфаатларини инобатга олган бўласиз".

Аммо лорд Лоуренс томонидан Англия ҳукуматига етказилган бу мактубга Лондондан бирор жавоб ҳам, икки мамлакат муносабатларида бирор ижобий ўзгариш ҳам бўлмади. Окибатда, вазият тобора кескинлашиб, орадан уч йил чамаси вақт ўтгач, Россия Бухоро амирлиги худудини бутунлай босиб олиб, уни ўз вассалига айлантиради. Амир Насрулло ўз хукмронлигининг атиги бир йилида — 1842 йили йўл кўйган икки мудхиш хато — аввало, Кўкон хонлигини босиб олиб, катлиом ўтказиши; ниҳоят, Англия ҳукумати томонидан олижаноб таклиф билан юборилган элчилар Стоддарт ва Коноллини катл эттиришининг касофати Бухоро хонлигигагина эмас, балки Кўкон ҳамда Хива хонликларига ҳам уриб, бутун Туронзамин Россия томонидан осонгина босиб олинишига йўл очиб берди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2005 йил 24-сонидан олинди